Иқтисодий–ҳуқуқий газета

N 41 (638) ● 2017 йил 10 октябрь

# НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

## Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва *nrm.uz* сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.

NORMA
nrm.uz



## Божхона божлари ва акциз солиғининг янги ставкалари тасдиқланди

**Президентнинг «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори *(29.09.2017 йилдаги ПҚ-3303-сон)* билан: импорт божхона божлари ставкалари *(1-илова)*; Ўзбекистон Республикаси ҳудудига четдан келтириладиган акциз солиғига тортиладиган товарларга акциз солиғи ставкалари *(2-илова)* тасдиқланди.**

Ҳужжат билан тасдиқланган ставкалар 2017 йил 1 октябрдан амал қилишни бошлади.

**Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида *(lex.uz)* расман эълон қилинди ва 30.09.2017 йилда кучга кирди.**

## Кредит расмийлаштираётганда кафиллик ҳақида қайғуринг

**Вазирлар Маҳкамасининг 8.09.2017 йилдаги 704-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси тўғрисидаги низом тасдиқланди.**

*Жамғарма томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш 3 усул билан амалга оширилади:*

- *кейинчалик кичик тадбиркорликни кредитлаш учун тижорат банкларига ресурслар ажратиш;*
- *кичик тадбиркорлик субъектларига уларнинг банк кредитлари бўйича кафиллик бериш;*
- *банклар фоиз харажатларининг бир қисмини компенсация қилиш.*

***Кимга компенсация берилмайди***

Компенсация банкларга банк, жамғарма ва кредит олувчи ўртасида тузилган уч томонлама шартнома асосида тақдим этилади. Компенсация миқдори кредит расмийлаштирилган кунда белгиланган қайта молиялаштириш ставкасидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади ва кейинчалик ўзгартирилмайди.

Компенсация қуйидагилар кўзда тутилган кредитлар бўйича **тақдим этилмайди:**

- аввал олинган кредитларни ёки ҳар қандай бошқа қарзларни қайтариш;
- алкоголли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш;
- савдо-воситачи ташкилотлар ва умумий овқатланиш корхоналарининг айланма маблағларини шакллантириш;
- савдо объектлари ва умумий овқатланиш объектлари қурилишини молиялаштириш;
- таваккалчиликка асосланган қимор ва бошқа ўйинларни ташкил этиш, шунингдек ушбу мақсадлар учун ускуналар харид қилиш.

Шунингдек, компенсация кредит тарихи ёмон бўлган (айниқса, кредитлар бўйича муддати ўтган қарзлар) ёки бюджетга ва коммунал тўловлари бўйича муддати ўтган қарзлари бўлган субъектларга, шунингдек муддати ўтган кредиторлик ва дебиторлик қарзлари бўлган юридик шахсларга берилмайди.

Бундан ташқари, Жамғарма қуйидаги ҳолатларда компенсацияни тўхтатиб туради:

- фоизли харажатлари қопланадиган кредитдан мақсадсиз фойдаланилганда;
- қарз олувчи тўловлар жадвалига мувофиқ банкка тўловларни тўлаш бўйича мажбуриятларини 3 ой давомида кетма-кет бажармаганда;
- қарз олувчининг банк ҳисобрақамидаги маблағлари хатловга олинганда;
- жорий кредитлар бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорлик мавжуд бўлганда.

***Жамғарма қачон кафиллик беради?***

Ўзбекистонда рўйхатдан ўтган ва фаолиятини амалга ошираётган, тугатилиш босқичида бўлмаган, банкрот деб эълон қилинмаган, аввал олинган кредитлар ва солиқ тўловлари бўйича муддати ўтказиб юборилган қарзи бўлмаган кичик тадбиркорлик субъектларига Жамғарма кафиллик бериши мумкин.

Кафиллик расмийлаштирилиши учун қуйидаги шартларга мос келиш керак:

- кичик тадбиркорлик субъекти лойиҳада ўзининг 25%дан кам бўлмаган улуши билан иштирок этса;
- Жамғарма таъминоти остида бериладиган кредитлар мақсадли йўналтирилса;
- аввал берилган кредитни ўз вақтида қайтармаслик, шунингдек банк кафиллигини бериш бўйича шартнома шартларини бузиш ҳолатларига йўл қўйилмаган бўлса.

Кафиллик берилганлиги учун кичик тадбиркорлик субъектларидан миллий валютада МБнинг тўлов кунидаги курси бўйича кафолат суммасининг йиллик 3%и миқдорида воситачилик ҳақи ундирилади.

Жамғарманинг кафиллигини олиш истаги қуйидагилар илова қилинган кредит олиш учун аризада кўрсатилади:

- қарз олувчининг амалга ошириладиган лойиҳа бўйича банк ҳисобрақамига маблағ тушиш прогнози (пул оқими) кўрсатилган бизнес-режа (ТИА);
- кредит олувчининг охирги ҳисобот давридаги тегишли давлат солиқ инспекциясига тақдим этилган бухгалтерлик баланси (1-сон шакл), шунингдек муддати 90 кундан ошган қарздорлик бўйича қиёсий ҳужжатлар, молиявий натижалар ҳақида ҳисобот (2-сон шакл) – янги ташкил этилган юридик шахслар, юридик шахс ташкил этмасдан фаолият кўрсатаётган якка тартибдаги тадбиркорлар, деҳқон хўжаликлари бундан мустасно;
- кредит бўйича таъминот сифатида тақдим этиладиган гаров тўғрисида ахборот;
- тижорат банклари ва халқаро молия институтлари ўртасида кредит учун маблағ ажратиш тўғрисида (фақат қайд этилган ушбу институтлар ҳисобидан бериладиган кредитлар бўйича) тузилган шартномаларда назарда тутилган ҳужжатлар.

Келиб тушган ҳужжатларни текшириб чиққандан сўнг банк филиали ўз хулосасини бош банкка юборади, у ўз навбатида зарур ҳужжатларни ва улар бўйича умумлаштирилган маълумотларни Жамғармага жўнатади. Масала ижобий ҳал этилган тақдирда банк филиали ва кредит олувчи ўртасида кредит шартномаси тузилади, Жамғарма, кредит ажратувчи банк ва кредит олувчи ўртасида эса – кафиллик шартномаси имзоланади.

Қарз олувчи кредитни қайтарганда ва кредит бўйича ўз мажбуриятларини имкон қадар камайтирганда, биринчи навбатда, Жамғарма кафиллигидан кредит бўйича қайтарилган суммага мутаносиб равишда озод этилади (таъминотдан чиқарилади). Гаров мол-мулки Жамғарма таъминоти тўлиқ қопланганидан сўнг озод этилади.

Илгари кўрилган чора-тадбирлар муваффақиятсиз бўлган тақдирда (қарздорга ёзма талабномани юбориш; тадбиркорнинг ҳисобрақамидан унинг фармойишисиз маблағни ҳисобдан чиқариш; ундирувни гаров мол-мулкига йўналтириш ва таъминотга талаблар қўйиш) банклар Жамғармага талаблар қўяди.

Кафиллик бўйича тўловларни тўлаш Жамғармага банк билан биргаликда харажатларни қарз олувчининг бошқа ликвид мулки ҳисобидан регресс тартибда, жумладан, судга мурожаат қилиш орқали қоплашни талаб қилиш ҳуқуқини беради.

## Намуна кўрсатган ёш оилаларга ипотека қандай шартлар билан берилади?

**Вазирлар Маҳкамасининг «Мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашда қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори *(23.09.2017 йилдаги 753-сон)* имзоланди.**

Мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этиб, алоҳида намуна кўрсатаётган ёш оилаларнинг уй-жой ва маиший шароитларини янада яхшилаш мақсадида банклар қуйидаги шартларда узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитлари беради:

2-бетда

Ушбу сонда:

3-БЕТ
НКМни қўллаш тартиби янада такомиллашади

7-БЕТ
Иш берувчига зарарни қоплаш тартибини моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартномада белгилаган маъқул

8-БЕТ
Устав жамғармасини қандай қилиб тўғри шакллантириш мумкин?

| Турар жойнинг тури ва жойлашуви | Ипотека кредити муддати | Дастлабки тўлов | Имтиёзли давр | Фоизлар |
|---|---|---|---|---|
| Шаҳарларда кўп квартирали арзон уй-жойлар қуриш ва реконструкция қилиш | 20 йил (имтиёзли давр билан бирга) | квартира қийматининг 25%и | 3 йил | Дастлабки 5 йил мобайнида йиллик 7% миқдоридаги фоиз ставкаси билан ва кейинги даврда МБнинг қайта молиялаштириш ставкаси миқдорида |
| Қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш ва реконструкция қилиш | 15 йил (имтиёзли давр билан бирга) | 15% – икки, уч қаватли кўп квартирали (2 ва 3 хонали) уйлар ва 2, 3 хонали бир қаватли уйлар учун; 25% – икки қаватли 4 хонали бирлаштирилган уйлар учун | 3 йил | Дастлабки 5 йил мобайнида йиллик 7% миқдоридаги фоиз ставкаси билан ва кейинги даврда МБнинг қайта молиялаштириш ставкаси миқдорида |

Бундан ташқари, қарор янги тартиб жорий этилишини кўзда тутадики, унга мувофиқ, мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этиб, алоҳида намуна кўрсатаётган ёш оилалар учун ипотека кредитлари бўйича қуйидаги шаклдаги тўловлар назарда тутилган қўшимча имтиёзлар берилади:

ипотека кредитларини олган ёш оилаларнинг кредитни тўлаш муддати давомида кейинчалик уни қайтариш шарти билан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи маблағлари ҳисобидан уй-жой сотиб олиш учун дастлабки бадалларни тўлаш;

ипотека кредити бўйича биринчи 5 йил ниҳоясига етгандан кейинги бутун муддат учун ҳисобланадиган фоизларнинг Ўзбекистон ёшлар иттифоқи маблағлари ҳисобидан МБнинг қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизи миқдорида тўлаш.

Шунингдек, қарор билан:

Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигига Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан келишган ҳолда, уй-жой сотиб олиш учун ипотека кредитлари бўйича қўшимча имтиёзлар бериладиган, Мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этиб, алоҳида намуна кўрсатаётган ёш оилаларни танлаш тартиби тўғрисидаги низомни бир ой муддатда ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш;

Ўзбекистон ёшлар иттифоқига Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда бошқа дахлдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда, юқорида айтиб ўтилган уй-жойларни тақсимлашнинг шаффофлигини таъминлайдиган электрон тизимни 2018 йилнинг 1 январигача бўлган муддатда ишлаб чиқиш ва жорий қилиш топширилган.

Ҳужжатга 2018–2021 йилларда мамлакат ҳудудлари ва йиллар бўйича уй-жойлар қурилиши параметрлари илова қилинган (жами 2 632 та уй-жой ва 5 964 та квартира).

**Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида *(lex.uz)* эълон қилинди ва 4.10.2017 йилда кучга кирди.**

## Қимматбаҳо металлар заргарларга банк орқали сотилади

**Вазирлар Маҳкамасининг 30.09.2017 йилдаги 778-сон қарори билан Заргарлик буюмлари ишлаб чиқариш учун қимматбаҳо металларни реализация қилиш ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.**

### *Қимматбаҳо металлар қандай реализация қилинади*

Қимматбаҳо металларни (олтин, кумуш) сотиб олиш учун заргарлик буюмлари ишлаб чиқарувчилари банкларга буюртманомаларни топширади. Буюртманомада уларнинг зарур ҳажми кўрсатилиши керак (камида 100 гр).

Банк «Лицензия» ***(www.license.uz)*** ахборот тизими орқали аризачининг заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш учун лицензияси мавжудлигини текширади ва буюртманомани алоҳида рўйхатга олиш дафтарида рўйхатдан ўтказади.

Аризачи қимматбаҳо металларнинг буюртманомада қайд этилган миқдорини сотиб олиш учун зарур маблағларни банкда депонентга ўтказади.

Шундан кейин бош банклар (ҳар ойнинг биринчи ва/ёки учинчи сешанба кунлари соат 12.00 га қадар) Марказий банкка ва Қимматбаҳо металлар агентлигига шакллантирилган йиғма буюртманомаларни тақдим этади. Бунга жавобан МБ бош банкка ҳисобварақ-фактура тақдим этади, банк 2 иш куни ичида тўловни амалга ошириши керак.

Тўловни қабул қилгач, МБ тегишли вазндаги қимматбаҳо металлар пластиналарини бош банкка бериш ҳақида Агентликка топшириқ беради. Агентликдан пластиналар олинган санадан эътиборан 5 иш куни ичида улар заргарлик буюмлари ишлаб чиқарувчиларига берилади.

Марказий банк ва бош банклар, шунингдек банклар ва заргарлик буюмлари ишлаб чиқарувчилари ўртасида қимматбаҳо металларни реализация қилиш бўйича операциялар алоҳида шартномалар асосида амалга оширилади.

### *Нарх қандай белгиланади*

Пластина шаклидаги вазни 100 граммдан бошланадиган қимматбаҳо металлар тўлиқ олдиндан ҳақ тўлаш шарти билан миллий валютага сотилади. Соф оғирлигига қайта ҳисобланган олтин ва кумуш қиймати, шунингдек банкда депонентланадиган маблағлар суммаси ҳисоб-китоби Лондон қимматбаҳо металлар биржасининг эрталабки фиксинги ва банк томонидан МБга берилган буюртманома санасида амал қилган МБ курси асосида амалга оширилади.

Депонентланган маблағлар суммаси етарли бўлмаган буюртманомалар бекор қилинади. Шу боис, банк талабига кўра пластиналарнинг аниқ вазнидан келиб чиқиб ҳисобланган, МБ томонидан тақдим этилган тўлов учун ҳисобварақ-фактура асосида ушбу сумма тўлдирилиши керак. Шунингдек, депонентланадиган маблағлар суммасига қуйидагилар киради:

банк маржаси – реализация қилинадиган қимматбаҳо металлар қийматининг 1%и миқдорида;

МБга тўланадиган комиссия ҳақи – реализация қилинган қимматбаҳо металлар қийматининг 1%и миқдорида.

***Бу муҳим!*** *Қимматбаҳо металлар кейинчалик қайта сотиш ҳуқуқисиз реализация қилинади. Фақат заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш бўйича фаолият тўхтатилганда, Марказий банк ҳузуридаги Қимматбаҳо металлар агентлигини хабардор қилган ҳолда, уларни бошқа заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчига реализация қилиш мумкин.*

**Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида *(lex.uz)* расман эълон қилинди. Низом 1.10.2017 йилдан амалга киритилди.**

## Дорихоналар учун товар чеклари тасдиқланди

**Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғи *(АВ томонидан 11.09.2017 йилда 2927-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан Товар чекларини бериш бўйича асбоб-ускуналар мавжуд бўлмаган ёки носоз бўлган ёхуд электр энергияси вақтинча ўчирилган ҳолларда дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана сотишда фойдаланиладиган товар чеклари китобининг шакли тасдиқланди.**

***Эслатиб ўтамиз,*** *фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш, аҳолига дори воситалари ва тиббиёт буюмларини оширилган нархларда сотиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида Президентнинг 17.07.2017 йилдаги ПҚ-3137-сон қарори билан республикамизда дорихоналар томонидан товар чекларини бериш талаби киритилган. Шунингдек тегишли ташкилотларга дорихоналарни товар чекларини бериш бўйича асбоб-ускуна ва дастурий комплекслар билан жиҳозлаш юзасидан чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш топширилган.*

Эндиликда дорихоналар товар чеклари китобидан, унинг номида кўрсатилганидек, товар чекларини бериш бўйича асбоб-ускуналар мавжуд бўлмаганда, улар носоз бўлганда ёки электр энергияси вақтинча ўчирилганда фойдаланиши шарт.

**Буйруқ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўпламининг 18.09.2017 йилдаги 37 (797)-сонида расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.**

**Олег Заманов, Сардор Жумашов, Зумрад Ниязметова,** «Norma Online» экспертлари.

## ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2017 йил 10 октябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 6253,25 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 10547,42 |
| 1 БАА дирҳами | 2192,35 |
| 1 АҚШ доллари | 8052,08 |
| 1 Миср фунти | 457,48 |
| 1 Канада доллари | 6424,19 |
| 1 Хитой юани | 1213,83 |
| 1 Малайзия ринггити | 1903,57 |
| 1 Польша злотийси | 2192,77 |
| 1 СДР | 11344,58 |
| 1 Туркия лираси | 2170,14 |
| 1 Швейцария франки | 8233,21 |
| 1 ЕВРО | 9450,73 |
| 10 Жанубий Корея вони | 7,04 |
| 10 Япония иенаси | 71,52 |
| 1 Россия рубли | 138,52 |
| 1 Украина гривнаси | 301,01 |

****) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.***

## МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

| Мамлакат | Сана | АҚШ доллари | | Евро | | Россия рубли | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | бирлиги | курси | бирлиги | курси | бирлиги | курси |
| Озарбайжон | 9.10.2017 | 1 | 1,7002 | 1 | 1,9953 | 1 | 0,0292 |
| Арманистон | 6.10.2017 | 1 | 478,75 | 1 | 560,38 | 1 | 8,29 |
| Беларусь | 9.10.2017 | 1 | 1,9684 | 1 | 2,3017 | 100 | 3,4102 |
| Грузия | 9.10.2017 | 1 | 2,4790 | 1 | 2,9032 | 100 | 4,2899 |
| Қозоғистон | 9.10.2017 | 1 | 343,66 | 1 | 402,22 | 1 | 5,95 |
| Қирғизистон | 10.10.2017 | 1 | 68,3310 | 1 | 80,1864 | 1 | 1,1718 |
| Молдова | 9.10.2017 | 1 | 17,5334 | 1 | 20,5280 | 1 | 0,3035 |
| Россия | 10.10.2017 | 1 | 58,3151 | 1 | 68,3861 | – | – |
| Тожикистон | 9.10.2017 | 1 | 8,7872 | 1 | 10,2907 | 1 | 0,1502 |
| Туркманистон | 9.10.2017 | 1 | 3,5000 | 1 | 4,1066 | 100 | 6,0183 |
| Украина | 9.10.2017 | 100 | 2 673,9931 | 100 | 3 130,4437 | 10 | 4,6294 |

*Марказий (миллий) банкларнинг расмий сайтлари маълумотлари асосида.*

УШБУ СОНДА

• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР
– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
– «Мақомга» эга авторақам: биржа орқали ёки ариза бўйича
– Валюталар курси
1-2, 7-бетлар
• РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР
Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори
– «Фискал хотирали назорат-касса машиналарини қўллаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида».
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори
– «Коммунал хизматларнинг ягона биллинг тизимини ташкил этиш тўғрисида».
Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2017 йил 4 сентябрдан 15 сентябргача бўлган маълумот.
2017 йилнинг III чорагида «Солиқ ва божхона хабарлари» ҳамда «Норма маслаҳатчи» газеталарида эълон қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати
3-6-бетлар
• АВТОНОРМА
– Хизмат автомобили ЙҲҲни бузганлиги учун жарима: иш берувчига зарарни қоплаш вариантлари 7-бет
• ХОРИЖ ТАЖРИБАСИДАН
– Жилет кийиш мажбурий бўлади 7-бет
• ХЎЖАЛИК ЮРИТИШ ҚОИДАЛАРИ
– Дивидендларни валютада тўлаш
– Устав капиталини шакллантириш қоидалари 8-бет

Таҳририят аноним хатларга муносабат билдирмасликка, қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермасликка ҳақли.

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга **фақат «NORMA» gazetalari birlashgan tahririyati» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади**.



# РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР

- **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ**

– «Фискал хотирали назорат-касса машиналарини қўллаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида».

- **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**

– «Коммунал хизматларнинг ягона биллинг тизимини ташкил этиш тўғрисида».

- **МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2017 ЙИЛ 4 СЕНТЯБР-ДАН 15 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ.**

- **2017 ЙИЛНИНГ III ЧОРАГИДА «СОЛИҚ ВА БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ» ҲАМДА «НОРМА МАСЛАҲАТЧИ» ГАЗЕТАЛАРИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР РЎЙХАТИ.**

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ*
*ҚАРОРИ*

## ФИСКАЛ ХОТИРАЛИ НАЗОРАТ-КАССА МАШИНАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ТАРТИБИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА*

Юридик ва жисмоний шахслар томонидан нақд пулга товарларни реализация қилиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишда фискал хотирали назорат-касса машиналар қўлланишини янада такомиллаштириш, шунингдек, аҳоли билан пулли ҳисоб-китоб қилишни тезкор ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини кенгайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги «Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5116-сонли Фармонига мувофиқ Тошкент, Нукус шаҳарларида ва вилоят марказларида давлат солиқ хизмати органларига ҳисоб-китоблар ҳақидаги маълумотларнинг онлайн режимида узатилишини таъминлайдиган назорат-касса машиналарини қўллаш орқали нақд пул ва нақд пулсиз шаклдаги тушумлар, шу жумладан, электрон тўловлар устидан автоматлаштирилган назорат тизими жорий этилиши, республикамизнинг қолган ҳудудларида мазкур тизим босқичма-босқич киритилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки, Иқтисодиёт вазирлиги, Савдо-саноат палатасининг аҳоли билан нақд пулда амалга оширилган ҳисоб-китоблар тўғрисидаги маълумотларни давлат солиқ хизмати органларига онлайн режимида узатиб бориш функциясига эга бўлган назорат-касса машиналарининг (кейинги ўринларда – онлайн НКМ) замонавий моделларини босқичма-босқич жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

товарларни реализация қилиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишда амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар ҳажмини аниқлаш учун 2018 йилнинг 1 январидан 30 мартигача Тошкент, Нукус шаҳарларида ва вилоятлар марказларида 500 тадан 1 000 тагача бўлган онлайн НКМлар тажриба-синов тариқасида амалиётга жорий этилади;

2018 йилнинг 1 июлидан бошлаб Тошкент, Нукус шаҳарларида ва вилоятлар марказларида барча юридик шахслар товарларни реализация қилиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишда аҳоли билан нақд пулдаги ҳисоб-китобларни мажбурий тарзда онлайн НКМ ёрдамида амалга оширади;

2018 йилнинг 1 декабридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча юридик ва жисмоний шахслар товарларни реализация қилиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишда аҳоли билан нақд пулдаги ҳисоб-китобларни мажбурий тарзда фақат онлайн НКМни қўллаган ҳолда амалга оширади;

қарорнинг мазкур банди қоидалари қонунчиликка мувофиқ фаолиятининг ўзига хос хусусияти сабабли назорат-касса машиналарини қўлламасдан амалга ошириши мумкин бўлган айрим тоифадаги юридик ва жисмоний шахсларга, шунингдек, телекоммуникация тармоқлари билан қамраб олинмаган олис ва бориш қийин бўлган аҳоли пунктларида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган юридик ва жисмоний шахсларга татбиқ этилмайди;

юридик ва жисмоний шахслар томонидан ушбу бандда белгиланган муддатлар тугагандан кейин онлайн НКМларни қўлламасдан товарларни реализация қилиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш назорат-касса машинасини қўллаш тартибини бузиш, деб қаралади ва қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

4. Давлат солиқ қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари 2018 йилнинг 1 майидан юридик ва жисмоний шахсларга тегишли онлайн НКМларни белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ва рўйхатдан чиқарилишини, шу жумладан, жаҳон информацион интернет тармоғи орқали масофадан хизмат кўрсатиш имкониятларидан фойдаланган ҳолда, ўзлари фаолият юритаётган шаҳар ва туманларда амалга оширилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Шерматов Ш.Х.):

Давлат солиқ қўмитаси (Парпиев Б.Р.) ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда телекоммуникация тармоқлари билан қамраб олинмаган олис ва бориш қийин бўлган аҳоли пунктлари рўйхатини тасдиқласин ҳамда ҳар йили янгилаб борсин;

телекоммуникация тармоқлари билан қамраб олинмаган олис ва бориш қийин бўлган аҳоли пунктлари рўйхатини ҳар

**Ушбу қарор ва унга Шарҳ «Халқ сўзи» газетасининг 3.10.2017 йилдаги 198 (6892)-сонида эълон қилинган.*

календарь йилнинг 25 декабрига қадар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига тақдим этиб борсин.

6. Онлайн НКМдан келиб тушадиган фискал маълумотларни қабул қилиш, қайта ишлаш, сақлаш, жойлаш ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига сўровга мувофиқ узатиш фискал маълумотлар оператори томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси (Парпиев Б.Р.) Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Шерматов Ш.Х.) ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда фискал маълумотлар операторининг фаолиятини тартибга соладиган Низомни тасдиқласин ва фискал маълумотлар оператори функциясини бажарадиган юридик шахсни аниқласин.

7. «Ўзэлтехсаноат» акциядорлик компанияси (Боқиев Ф.Х.):

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Шерматов Ш.Х.), Давлат солиқ қўмитаси (Парпиев Б.Р.) ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2017 йилнинг 1 ноябригача кейинчалик чекларнинг ҳақиқийлигини аниқлашда фойдаланиладиган уникал кодли чек берадиган онлайн НКМга қўйиладиган ягона техник талабларни белгилайдиган давлат стандартини ишлаб чиқсин ва қонунчиликда белгиланган тартибда экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун «Ўзстандарт» агентлигига тақдим этсин;

онлайн НКМга қўйиладиган ягона техник талаблар конфигурацияси маълумотларининг очиқлигини таъминласин;

бошқа манфаатдор шахсларни жалб қилган ҳолда, 2017 йилнинг 1 декабригача республикада онлайн НКМ ва (ёки) НКМ таркибида ишлаш учун мўлжалланган маълумотларни онлайн режимида давлат солиқ хизмати органларига узатиш функциясига эга бўлган махсус қурилмалар кенг ишлаб чиқарилишини ташкил этсин;

юридик ва жисмоний шахсларга онлайн НКМни бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотиб олиш имкониятини яратсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Шерматов Ш.Х.):

а) телекоммуникация тармоқлари, шу жумладан, мобиль алоқа операторлари ва провайдерларига пулли ҳисоб-китоблар тўғрисидаги маълумотларни давлат солиқ хизмати органларига узлуксиз узатиш хизматлари тақдим этишини таъминласин;

б) базавий станциялар, жумладан, CDMA-450 технологияларини қўллаган ҳолда станциялар сонини кўпайтириш;

тармоқлар билан, айниқса, олис ва бориш қийин бўлган аҳоли пунктларини қамраб олиш зоналарини кенгайтириш;

онлайн НКМдан фойдаланишда махсус тариф режаларини ишлаб чиқиш чораларини кўрсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси (Парпиев Б.Р.) Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги (Тангриев Л.Х.), Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли ўртасида мазкур қарорнинг мақсади, моҳияти ва амалий аҳамиятини кенг ёритиш бўйича тадбирлар ташкил этилиши ва ўтказилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси (Парпиев Б.Р.) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчиликка ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

Вазирлик ва идоралар қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини мазкур қарорга мувофиқлаштирсин.

11. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Бош вазир ўринбосари Ж.А.Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.Р.Парпиев зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикаси Президенти***
***Ш.МИРЗИЁЕВ.***

*Тошкент шаҳри,*
*2017 йил 29 сентябрь*
*ПҚ-3300-сон.*

* * *

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 сентябрдаги «Фискал хотирали назорат-касса машиналарини қўллаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3300-сон қарорига ШАРҲ

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 72-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товарларни реализация қилиш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишда нақд пул билан ҳисоб-китоб қилиш Назорат-касса машиналарининг давлат реестрига киритилган фискал хотирали назорат-касса машиналарини мажбурий қўллаган ҳолда амалга оширилади.

Фискал хотирали назорат-касса машиналарининг қўлланилиши Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 ноябрдаги 306-сонли қарори билан тасдиқланган низомлар билан тартибга солинади.

Тадбиркорлик субъектлари томонидан аҳоли билан нақд пулда амалга оширилган ҳисоб-китоблар тўғрисидаги маълумотлар назорат-касса машиналарининг фискал хотирасида сақланади.

Ҳозирги пайтда тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳисобланадиган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар суммасини камайтириш, нақд пул тушумларини банк кассаларига топширмасдан яшириш мақсадида харидорларга назорат-касса машинаси чекини бермаслик, назорат-касса машинасини носоз ҳолатга келтириш, фискал хотирадаги маълумотларни қасддан ўзгартириш, назорат-касса машиналарини йўқотиш орқали амалга оширилган товар айланмалари тўғрисидаги маълумотлар сохталаштирилмоқда.

Бундан ташқари, йирик савдо тармоқларида товарлар ҳисобини юритиш, харидорларга назорат-касса машинасидан чек бериш ягона компьютер тизими орқали амалга оширилиши сабабли улардаги нақд пул тушумлари тўғрисидаги маълумотларнинг ишончлилиги кафолатланмайди.

Нақд пул тушумларининг ҳақиқий ҳажмини аниқлаш мақсадида давлат солиқ хизмати органлари ходимлари жуда кўп вақт талаб этиладиган хронометраж тадбирларига мунтазам равишда жалб қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги «Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5116-сон Фармони билан давлат солиқ хизмати органлари тизимини ислоҳ этишнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида солиқ маъмуриятчилиги жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва илғор автоматлаштирилган таҳлил услубларини кенг жорий этиш, солиқ тўловчиларга, энг аввало, тадбиркорлик субъектларига тўғридан-тўғри мулоқотсиз электрон хизмат кўрсатишга тўлиқ ўтиш белгиланган.

Ушбу вазифалар, шунингдек, юқоридаги Фармон билан тасдиқланган «Давлат солиқ хизмати органлари фаолияти ва солиқ маъмуриятчилигининг самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури»нинг 8-банди ижросини таъминлаш

мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фискал хотирали назорат-касса машиналарини қўллаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Қарорда товарларни реализация қилиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишда аҳоли билан амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар ҳажмини аниқлаш мақсадида 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб Тошкент, Нукус шаҳарларида ва вилоятлар марказларида 500 тадан 1 000 тагача бўлган онлайн назорат-касса машиналари тажриба-синов тариқасида амалиётга жорий этилади. 2018 йилнинг 1 июлидан бошлаб ушбу ҳудудлардаги барча юридик шахслар, 2018 йилнинг 1 декабридан бошлаб барча юридик ва жисмоний шахслар товарларни реализация қилиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишда аҳоли билан нақд пулдаги ҳисоб-китобларни мажбурий тарзда фақат онлайн назорат-касса машиналарини қўллаган ҳолда амалга ошириш орқали босқичма-босқич жорий этиш кўзда тутилган.

Онлайн назорат-касса машиналаридан келиб тушадиган фискал маълумотларни қабул қилиш, қайта ишлаш, сақлаш ва Давлат солиқ қўмитасига узатиш фискал маълумотлар оператори томонидан амалга оширилади.

Фискал маълумотлар оператори функциясини бажарадиган юридик шахс Давлат солиқ қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда аниқланади.

Мазкур қарорнинг қабул қилиниши билан:

биринчидан, харидорларга берилган назорат-касса машиналари чекларининг марказлашган электрон маълумотлар базаси яратилади ва назорат-касса машиналаридан фойдаланмаётган савдо шохобчаларини онлайн режимда аниқлаб, тезкор чоралар кўриш имконияти яратилади;

иккинчидан, назорат-касса машиналари орқали харидорларга берилган чеклар ҳақидаги маълумотларни қасддан ўзгартириш, тушум суммасини камайтириш, назорат-касса машиналарини йўқотиш, бузиш ёки рўйхатдан ўтмаган назорат-касса машиналаридан фойдаланиш, шунингдек, иккиламчи бухгалтерия юритиш каби ҳолатларга чек қўйилади;

учинчидан, онлайн назорат-касса машиналарининг касса чекларидаги рақамлар уникал (такрорланмайдиган) бўлганлиги сабабли уларни сохталаштиришнинг олди олинади, тадбиркорлик субъектларига тўғридан-тўғри мулоқотсиз электрон хизмат кўрсатилади, аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга ошириш жараёнига замонавий ахборот технологияларини татбиқ этишнинг янги босқичга кўтарилиши таъминланади.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг нақд пул тушуми билан боғлиқ фаолиятига аралашиш ва турли назорат тадбирлари ўтказилишининг камайишига олиб келади.

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ*

# КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАРНИНГ ЯГОНА БИЛЛИНГ ТИЗИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 18.09.2017 йилдаги 37 (797)-сон, 1006-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 29 майдаги ПФ–5059-сон Фармонини бажариш юзасидан, истеъмолчилар ҳисобрақамларидаги маблағларнинг назорат қилиниши, кўрсатилаётган коммунал хизматлар учун ўзаро ҳисоб-китобларнинг ҳолати тўғрисидаги ишончли ахборотни шакллантириш ва истеъмолчиларга тақдим этишнинг шаффофлигини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти ва «Ўзтрансгаз» акциядорлик жамиятининг истеъмолчининг бирхиллаштирилган ягона шахсий рақамидан фойдаланган ҳолда Коммунал хизматларнинг ягона биллинг тизимини (кейинги ўринларда Ягона биллинг тизими деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Коммунал хизматларнинг ягона биллинг тизимини ташкил этиш бўйича Тадбирлар режаси иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қуйидагилар Ягона биллинг тизимининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ичимлик сув таъминоти, канализация, иссиқлик, электр ва газ таъминоти хизматларини (кейинги ўринларда коммунал хизматлар деб аталади) етказиб берувчиларнинг амалдаги тарифларга мувофиқ истеъмолчиларга ҳисобни бериш ва ҳисобрақамларидаги маблағларни назорат қилиш, ҳисобга ўтказиш ва ҳисобдан чиқариш;

электрон ҳукумат тизимлари билан интеграциялашув инобатга олинган ҳолда бутун республика бўйича коммунал хизматлар истеъмолчиларининг ягона реестрини юритиш;

коммунал хизматлардан фойдаланиш ҳолатини онлайн режимида тизимли ҳамда шаффоф мониторингини олиб бориш ва таҳлил қилиш ҳамда тегишли ҳисоботларни шакллантириш;

истеъмолчиларга коммунал хизматлар кўрсатишни фаоллаштириш ёки тўхтатиб қўйиш юзасидан электр энергияси, газ, ичимлик ва иссиқ сувни тақсимлаш ҳамда етказиб бериш тармоғининг якуний ускунасини (ҳисоблагичларни) бошқариш;

коммунал хизматлар кўрсатиш соҳасида интерфаол хизматлар кўрсатиш, шу жумладан, электрон тўлов тизимларидан кенг фойдаланиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти ва «Ўзтрансгаз» акциядорлик жамияти компанияси билан биргаликда 2018 йил 1 августгача Ягона биллинг тизимини ишлаб чиқсин ҳамда ишга туширсин. Бу борада «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси базасида зарур телекоммуникация инфратузилмаси ташкил этилишини, коммунал хизматларни етказиб берувчилар билан белгиланган тартибда тегишли шартномалар тузилишини, шунингдек, унга:

2019 йилнинг 1 январгача – электр ва газ таъминоти бўйича;

2021 йил – 1 январгача ичимлик сув таъминоти, канализация ва иссиқлик таъминоти бўйича ахборот тизимлари ва маълумотлар базаси уланишини назарда тутсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида лойиҳа бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 29 августдаги ПҚ–3245-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг «Ўзинфоком» компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий

*Илова берилмайди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТда ва **nrm.uz** сайтида танишиш мумкин.*

этиш маркази базасида Давлат ахборот тизимларини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор (кейинги ўринларда Ягона интегратор деб аталади) ташкил қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

Ягона интегратор Ягона биллинг тизимининг ишини ва узлуксиз фаолият кўрсатишини мувофиқлаштириш учун масъул ҳисобланади;

«Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти, «Ўзтрансгаз» акциядорлик жамияти ва Ўзбекистон Республикаси Уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги тегишли равишда электр энергия, газ, ичимлик ва иссиқ сув истеъмолини назорат қилиш ҳамда ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий қилиш учун масъул ҳисобланади;

коммунал хизматлар истеъмолчилари ҳақидаги маълумотлар фақат «Электрон ҳукумат» тизимининг жисмоний ва юридик шахслар марказий маълумотлар базаси орқали шакллантирилади ҳамда улардан фойдаланилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда Ягона биллинг тизимини ташкил этиш лойиҳаси бўйича лойиҳаолди ҳужжатларининг ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишига қараб, ушбу лойиҳани амалга ошириш учун халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг молиявий маблағлари ҳамда техник кўмаклашиш маблағлари, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар жалб этилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти ва «Ўзтрансгаз» акциядорлик жамияти Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси билан биргаликда 2018 йил 1 октябргача бўлган муддатда Ягона биллинг тизимининг барқарор ишлаш қобилиятини таъминлаш, уни техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ишларини молиялаштириш, шунингдек, бу борадаги тегишли функцияларни янада ривожлантириш ҳамда кенгайтириш механизмларини ишлаб чиқсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти, «Ўзтрансгаз» акциядорлик жамияти ва бошқа коммунал хизматларни етказиб берувчилар билан биргаликда коммунал хизматлар истеъмоли тўғрисидаги маълумотларни Ягона биллинг тизимига узатишни автоматлаштириш учун электрон ҳисобга олиш приборларини жорий этиш ҳамда ўрнатиш лойиҳалари амалга оширилишини тезлаштириш чораларини кўрсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ғ.И.Ибрагимов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири вазифасини бажарувчи Ш.Х.Шерматов зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири***
***А.АРИПОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2017 йил 14 сентябрь,*
*726-сон.*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2017 ЙИЛ 4 СЕНТЯБРДАН 15 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

### I. ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 29 июлдаги 18/2-сон «Тижорат банклари томонидан хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларини миллий валютада кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

***2017 йил 4 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1126-4.***

2. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг 2017 йил 31 июлдаги 451-сон «Маҳсулотнинг хавфсизлик талабларига мувофиқлигини декларациялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

***2017 йил 4 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1465-3 (расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради).***

3. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2017 йил 4 августдаги 105-сон «Амбулаторияда даволанишда шахсларнинг айрим тоифаларини имтиёзли асосда дори воситалари билан таъминлаш бўйича рецептура бланкаларини тўлдириш, дорихона муассасалари томонидан рецептларни расмийлаштириш, рецептура бланкаларини ва дори воситаларини бепул бериш учун ёзилган рецептларни ҳисобга олиш, сақлаш ва йўқ қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

***2017 йил 4 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2509-1.***

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2017 йил 9 августдаги 344-В, 26-сон «Нобанк кредит ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

***2017 йил 4 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2925 (расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради).***

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2017 йил 9 августдаги 313-В-4, 25-сон «Нобанк кредит ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

***2017 йил 4 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2027-4 (расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради).***

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2017 йил 28 августдаги 143, 127, 2017/04-13, 01-02/8-34-сон «Ўз-

бекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда импорт божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар рўйхатига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

***2017 йил 4 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2436-7 (расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради).***

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Олий суди, Адлия вазирлигининг 2017 йил 28 августдаги 2017-45, 08/УМ-156-17, 8-сон «Юридик шахслар томонидан истеъмол қилинган электр энергияси учун тўлов муддати ўтган дебитор қарзларни мажбурий тартибда ундириш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

***2017 йил 4 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1466-2.***

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2017 йил 15 августдаги 2017-41-сон «Солиқ тўловчининг шахсий кабинетидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

***2017 йил 5 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2926.***

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2017 йил 5 сентябрдаги 343-В-1, 29-сон «Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларининг 22-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

***2017 йил 5 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2886-1.***

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 29 июлдаги 18/1-сон «Ломбардлар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

***2017 йил 6 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1291-7.***

11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 26 августдаги 21/3-сон «Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларининг ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга олган ҳолда кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

***2017 йил 6 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1345-4.***

12. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2017 йил 15 августдаги 01/11-10/20-сон «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси буюртмаларига асосан баҳолаш объектларини баҳолашда баҳоловчи ташкилотлар хизматларининг қийматини аниқлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

***2017 йил 11 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2152-4.***

13. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2017 йил 15 августдаги 01/15-10/21-сон «Стратегик ва монопол маҳсулотлар, хом ашё ва материалларни биржа ва кимошди савдоларига қўйилишини назорат ва мониторинг қилиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

***2017 йил 11 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2125-4.***

14. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2017 йил 17 августдаги 106-сон «Товар чекларини бериш бўйича асбоб-ускуналар мавжуд бўлмаган ёки носоз бўлган ёхуд электр энергияси вақтинча ўчирилган ҳолларда дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана сотишда фойдаланиладиган товар чеклари китобининг шаклини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

***2017 йил 11 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2927.***

15. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлигининг 2017 йил 17 августдаги 6-мҳ, 125-сон «Мактабгача таълим муассасалари ва мактаб-интернатлардаги болалар таъминотига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

***2017 йил 11 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2821-1.***

16. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2017 йил 23 августдаги 126-сон «Солиқ маслаҳати миллий стандарти (2-сонли СММС) «Солиқ маслаҳати бўйича ҳисобот тузиш ва мижозга (ишонч билдирувчига) тақдим этиш тартиби»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

***2017 йил 11 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2375-1.***

17. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2017 йил 28 августдаги 107-сон «Тиббий ускунанинг маънан эскирганлик даражасини аниқловчи мезонларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

***2017 йил 11 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2928 (расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради).***

18. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2017 йил 28 августдаги 108-сон «Замонавий ва маънавий эскирган тиббий ускуналар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги буйруғи.

***2017 йил 11 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2228-1 (расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради).***

19. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2017 йил 5 сентябрдаги 93-Н-сон «Йўловчининг ҳаво кемаси ичидаги юриш-туриш қоидаларига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

***2017 йил 11 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2416-2.***

20. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2017 йил 14 августдаги 171-сон «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари вақтинча сақлаш ҳибсхоналарининг ички тартиб қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

***2017 йил 12 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2929.***

21. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 26 августдаги 21/7-сон «Ваколатли банклар томонидан чет эл валютасидаги ҳисобварақларни юритиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

***2017 йил 12 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 511-8.***

22. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2017 йил 28 августдаги 2017-44-сон «Ҳудудий электр тармоқлари корхоналари ва уларнинг электр таъминоти корхоналари томонидан давлат солиқ хизмати органларига муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзларини ундириб олиш чораларини кўриш учун маълумотларни тақдим этиш ҳамда ҳамкорликда амалга оширилган ишлар натижаларини мониторинг қилиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

***2017 йил 12 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1437-4.***

23. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2017 йил 28 августдаги 2017-46-сон «Солиқ солиш объектлари ҳамда солиқ солиш билан боғлиқ объектлар тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

***2017 йил 12 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2600-1.***

24. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг 2017 йил 28 августдаги 129, 2017-47, 01-02/8-36-сон «Ўзбекистон Республикасида тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликларига акциз маркаларини қўллаш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 27-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

***2017 йил 12 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 589-9.***

25. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2017 йил 29 августдаги 241/4-сон «Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

***2017 йил 12 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2793-3.***

26. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2017 йил 6 сентябрдаги 193-сон «Ички ишлар органлари таянч пунктлари профилактика инспекторларининг ҳисоботини фуқаролар йиғинларида эшитиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

***2017 йил 13 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2930 (2017 йил 1 октябрдан кучга киради).***

27. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2017 йил 13 сентябрдаги 300-мҳ-сон «Нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи.

***2017 йил 13 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2165-9.***

28. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2017 йил 8 августдаги 119-сон «Аудиторнинг малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

***2017 йил 15 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 977-7 (расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради).***

29. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлигининг 2017 йил 28 августдаги 01/15-10/22, 144-сон «Биржа савдоларига қўйиладиган, шу жумладан, такроран қўйиладиган маҳсулотларнинг ҳажмларини ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

***2017 йил 15 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2178-2.***

30. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 9 сентябрдаги 23/2-сон «Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

***2017 йил 15 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2014-12.***

31. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 9 сентябрдаги 23/4-сон «Тижорат банкларига чет эл валютасида операцияларни амалга ошириш учун лицензиялар бериш қоидалари, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

***2017 йил 15 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 463-4.***

## II. ДАВЛАТ РЕЕСТРИДАН ЧИҚАРИЛДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Олий хўжалик суди, Адлия вазирлигининг «Юридик шахслар томонидан истеъмол қилинган электр энергияси учун тўлов муддати ўтган дебитор қарзларни мажбурий тартибда ундириш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1466, 2005 йил 6 апрель), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 1466-1, 2006 йил 24 ноябрь).

***Адлия вазирининг 2017 йил 4 сентябрдаги 280-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.***

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг «Ҳудудий электр тармоқлари корхоналари ва уларнинг электр таъминоти корхоналари томонидан давлат солиқ хизмати органларига муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзларини ундириб олиш чораларини кўриш учун маълумотларни тақдим этиш ҳамда ҳамкорликда амалга оширилган ишлар натижаларини мониторинг қилиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1437, 2004 йил 25 декабрь), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 1437-1, 2012 йил 27 сентябрь), (рўйхат рақами 1437-2, 2014 йил 6 март), (рўйхат рақами 1437-3, 2016 йил 6 декабрь).

***Адлия вазирининг 2017 йил 12 сентябрдаги 295-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.***

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан тасдиқланган Тижорат банкларига чет эл валютасида операцияларни амалга ошириш учун лицензиялар бериш қоидалари (рўйхат рақами 463, 1998 йил 3 август), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 463-1, 2001 йил 27 август), (рўйхат рақами 463-2, 2004 йил 30 март), (рўйхат рақами 463-3, 2012 йил 11 декабрь).

***Адлия вазирининг 2017 йил 15 сентябрдаги 304-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.***

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

# 2017 ЙИЛНИНГ III ЧОРАГИДА «СОЛИҚ ВА БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ» ҲАМДА «НОРМА МАСЛАҲАТЧИ» ГАЗЕТАЛАРИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР РЎЙХАТИ

| *Т/р* | *Меъёрий ҳужжатнинг номи* | *Санаси, рўйхат рақами* | *Газета сони* |
|---|---|---|---|
| | ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНЛАРИ, ҚАРОРЛАРИ | | |
| 1 | Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида | 2017 йил 19 июнь, ПФ-5087-сон | 27-сон «СБХ» |
| 2 | Маҳаллий экспорт қилувчи ташкилотларни янада қўллаб-қувватлаш ва ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида | 2017 йил 21 июнь, ПҚ-3077-сон | 27-сон «СБХ» |
| 3 | Республика аҳолисини ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат товарларининг асосий турлари билан ишончли таъминлашга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида | 2017 йил 23 июнь, ПҚ-3082-сон | 27-сон «СБХ» |
| 4 | Аҳолини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида | 2017 йил 17 июль, ПҚ-3137-сон | 29-30-сон «Норма маслаҳатчи» |
| 5 | Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида | 2017 йил 18 июль, ПФ-5116-сон | 30-сон «СБХ» |

| Т/р | Меъёрий ҳужжатнинг номи | Санаси, рўйхат рақами | Газета сони |
|---|---|---|---|
| 6 | Ички ишлар органларининг миграция жараёнлари ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида *(Кўчирма)* | 2017 йил 11 июль, ПҚ-3126-сон | 31-сон «СБХ» |
| 7 | Маҳаллий экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида | 2017 йил 28 июль, ПҚ-3157-сон | 32-сон «СБХ» |
| 8 | Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда мол-мулкни реализация қилиш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида | 2017 йил 27 июль, ПҚ-3149-сон | 32-сон «СБХ» |
| 9 | Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида | 2017 йил 10 август, ПФ-5147-сон | 34-сон «СБХ» |
| 10 | Ҳудудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида *(Кўчирма)* | 2017 йил 8 август, ПҚ-3182-сон | 34-сон «СБХ» |
| 11 | Олий таълим муассасаларида педагогика йўналишида махсус сиртқи бўлимларни ташкил этиш тўғрисида | 2017 йил 9 август, ПҚ-3183-сон | 34-сон «СБХ» |
| 12 | Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижга чиқиш тартибини такомиллаштиришга доир муҳим чора-тадбирлар тўғрисида | 2017 йил 16 август, ПФ-5156-сон | 35-сон «СБХ» |
| 13 | Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасини ташкил этиш тўғрисида | 2017 йил 17 август, ПҚ-3225-сон | 35-сон «СБХ» |
| 14 | Товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат ва корпоратив харидларини амалга оширишнинг замонавий шакл ва услубларини янада жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида | 2017 йил 23 август, ПҚ-3237-сон | 35-сон «СБХ» |
| 15 | Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 26 йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида *(Кўчирма)* | 2017 йил 26 август | 35-сон «Норма маслаҳатчи» |
| 16 | «Ўзсаноатэкспорт» АЖ фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида | 2017 йил 16 август, ПҚ-3220-сон | 36-сон «Норма маслаҳатчи» |
| 17 | Замонавий энергия самарадор ва энергия тежайдиган технологияларни янада жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида | 2017 йил 23 август, ПҚ-3238-сон | 36-сон «Норма маслаҳатчи» |
| 18 | Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида | 2017 йил 2 сентябрь, ПФ-5177-сон | 37-сон «Норма маслаҳатчи» |
| 19 | Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида | 2017 йил 12 сентябрь, ПҚ-3268-сон | 39-сон «Норма маслаҳатчи» |
| | **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ** | | |
| 1 | Давлат мулкини ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида | 2017 йил 16 июнь, 382-сон | 27-сон «СБХ» |
| 2 | Россия Федерацияси ҳудудида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга оширишни режалаштирган фуқаролар учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида комплекс имтиҳон ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида *(Кўчирма)* | 2017 йил 20 июнь, 400-сон | 27-сон «СБХ» |
| 3 | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сон қарори билан тасдиқланган давлат божи ставкаларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида | 2017 йил 21 июнь, 402-сон | 27-сон «СБХ» |
| 4 | Ўзбекистон Республикасида давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида | 2017 йил 22 июнь, 413-сон | 27-сон «СБХ» |
| 5 | Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ҳамда «Коммунхизмат» агентлиги тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида | 2017 йил 2 июнь, 340-сон | 28-29-сон «СБХ» |
| 6 | Маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини кенгайтириш захираларини аниқлаш ишларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида | 2017 йил 29 июнь, 445-сон | 28-29-сон «СБХ» |
| 7 | Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида | 2017 йил 30 июнь, 449-сон | 28-29-сон «СБХ» |
| 8 | Жисмоний шахсларнинг меҳнат стажини электрон ҳисобга олишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида | 2017 йил 4 июль, 462-сон | 28-29-сон «СБХ» |
| 9 | Ички ишлар органлари тизимида давлат хизматлари кўрсатиш сифатини янада такомиллаштириш ва тартиб-таомилларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида *(Кўчирма)* | 2017 йил 19 июнь, 389-сон | 30-сон «СБХ» |
| 10 | Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида | 2017 йил 27 июнь, 429-сон | 30-сон «СБХ» |
| 11 | Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг электр энергияси ва табиий газ етказиб берувчилар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисидаги ҳамда истеъмолчиларни электр ва газ тармоқларидан узиб қўйиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида | 2017 йил 10 июль, 484-сон | 31-сон «СБХ» |
| 12 | Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури) | 2017 йил 19 июль, 527-сон | 32-сон «СБХ» |
| 13 | Тошкент шаҳрида жойлашган давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида | 2017 йил 4 август, 590-сон | 34-сон «СБХ» |
| 14 | Илгари ишлатилган машиналар, асбоб-ускуналар ва механизмларни экспорт қилишга рухсат бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида | 2017 йил 17 август, 642-сон | 35-сон «СБХ» |

## ИДОРАВИЙ МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР

| Т/р | Меъёрий ҳужжатнинг номи | Ҳужжатни тасдиқлаган орган | Санаси, рўйхат рақами | Газета сони |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Текширишларни рўйхатга олиш китобини тўлдириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 13-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида | ЎзР АВ | 2017 йил 6 июнь, 2280-3-сон | 27-сон «СБХ» |
| 2 | Солиқ имтиёзлари татбиқ этиладиган фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари, электротехника маҳсулотлари, шунингдек, пардозлаш қурилиш материалларига тааллуқли бўлган маҳсулотларнинг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида | ЎзР ИВ, МВ, ССВ, ДСҚ | 2017 йил 9 июнь, 2888-сон | 27-сон «СБХ» |
| 3 | Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг даромадлари бўйича юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг ортиқча тўланган суммасини қайтариш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида | ЎзР МВ, ДСҚ | 2017 йил 22 июнь, 2892-сон | 28-29-сон «СБХ» |
| 4 | Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда импорт божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар рўйхатига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида | ЎзР ИВ, МВ, ТСВ*, ДБҚ | 2017 йил 7 июль, 2436-6-сон | 29-30-сон «Норма маслаҳатчи» |
| 5 | «Бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинадиган бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг минимал миқдорларини белгилаш тўғрисида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида | ЎзР МВ, ДСҚ | 2017 йил 11 июль, 2854-1-сон | 29-30-сон «Норма маслаҳатчи» |
| 6 | «Тасдиқланган маҳаллийлаштириш дастури лойиҳалари амалга оширилаётган корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида | ЎзР МВ, ТСВ, ИВ, ДСҚ, ДБҚ | 2017 йил 13 июнь, 2697-1-сон | 30-сон «СБХ» |
| 7 | Назорат қилувчи органлар томонидан хўжалик юритувчи субъектлар – юридик шахслар фаолиятидаги текширишларни мувофиқлаштириш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш ҳақида *(Кўчирма)* | Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши | 2017 йил 20 июнь, 2878-1-сон | 30-сон «СБХ» |
| 8 | Назорат қилувчи органлар томонидан якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятидаги текширишларни мувофиқлаштириш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш ҳақида *(Кўчирма)* | Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши | 2017 йил 20 июнь, 2879-1-сон | 30-сон «СБХ» |
| 9 | Солиқ маслаҳатчиси малака сертификатини бериш, унинг амал қилишини тугатиш ва уни бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 18-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида | ЎзР МВ, ДСҚ | 2017 йил 22 июнь, 1750-2-сон | 30-сон «СБХ» |
| 10 | Дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш учун мўлжалланган импорт қилишда қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган хом ашёлар рўйхатига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида | ЎзР ИВ, МВ, ТСВ, ДБҚ, ССВ | 2017 йил 14 июль, 1952-3-сон | 31-сон «СБХ» |
| 11 | Маблағларни инвестицияга йўналтирувчи юридик шахслар томонидан имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида | ЎзР МВ, ИВ, ДСҚ, ДБҚ | 2017 йил 25 август, 2918-сон | 36-сон «Норма маслаҳатчи» |
| 12 | Тошкент шаҳридаги кичик саноат зоналарида иштирок этувчи ташкилотлар томонидан имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида | ЎзР МВ, ИВ, ДСҚ | 2017 йил 30 август, 2924-сон | 37-сон «Норма маслаҳатчи» |
| 13 | Тижорат банклари томонидан хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларини миллий валютада кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида | ЎзР МБ Бошқаруви | 2017 йил 4 сентябрь, 1126-4-сон | 39-сон «Норма маслаҳатчи» |
| 14 | Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда импорт божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар рўйхатига ўзгартириш киритиш ҳақида | ЎзР ИВ, МВ, ТСВ, ДБҚ | 2017 йил 4 сентябрь, 2436-7-сон | 39-сон «Норма маслаҳатчи» |
| 15 | Солиқ тўловчининг шахсий кабинетидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида | ЎзР ДСҚ | 2017 йил 5 сентябрь, 2926-сон | 39-сон «Норма маслаҳатчи» |
| 16 | «Солиқ маслаҳати миллий стандарти (2-сонли СММС) «Солиқ маслаҳати бўйича ҳисобот тузиш ва мижозга (ишонч билдирувчига) тақдим этиш тартиби»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида | ЎзР МВ | 2017 йил 11 сентябрь, 2375-1-сон | 39-сон «Норма маслаҳатчи» |
| 17 | Солиқ солиш объектлари ҳамда солиқ солиш билан боғлиқ объектлар тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида | ЎзР ДСҚ | 2017 йил 12 сентябрь, 2600-1-сон | 39-сон «Норма маслаҳатчи» |

## ИДОРАВИЙ ҚАРОРЛАР, ФАРМОЙИШЛАР, ХАТЛАР ВА ХАБАРЛАР

| Т/р | Ҳужжатнинг номи | Ҳужжатни тасдиқлаган орган | Санаси, рўйхат рақами | Газета сони |
|---|---|---|---|---|
| 1 | 2017 йилда иш вақти давомийлигининг ўзгариши тўғрисида | Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги | – | 37-сон «СБХ» |

## БОШҚА АХБОРОТ

| Номи | Тайёрлаган орган | Газета сони |
|---|---|---|
| 2017 йил иккинчи чораги учун ягона солиқ тўловини ҳисоблашга доир тавсиялар | Norma Ekspert | 28-29-сон «СБХ» |
| 2017 йил иккинчи чораги учун ЖШДС, ЯИТ ва фуқароларнинг суғурта бадаллари бўйича солиқ ҳисоботи шаклларини тўлдиришга доир тушунтиришлар | Norma Ekspert | 28-29-сон «СБХ» |
| 15.07.2017 йилдан табиий газ ва электр энергияси, 21.07.2017 йилдан иссиқ ва совуқ сув тарифлари ўзгариши тўғрисида *(«Биз яшайдиган уй»)* | Ўзтрансгаз, Ўзбекэнерго, Сувсоз, Тошиссиққуввати | 29-30-сон «Норма маслаҳатчи» |
| Ўзбекистон Республикаси томонидан имзоланган иккиёқлама солиқ солишнинг олдини олиш тўғрисидаги амалдаги халқаро шартномалар рўйхати | – | 30-сон «СБХ» |
| 2017 йилнинг II чорагида «Солиқ ва божхона хабарлари» ҳамда «Норма маслаҳатчи» газеталарида эълон қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати | – | 31-сон «СБХ» |
| Божхона имтиёзлари тўғрисида *(«Бухгалтерга ёрдам: божхона имтиёзлари»)* | Norma Online | 34-сон «СБХ» |
| Тадбиркорларга солиқлар ва божхона имтиёзлари тўғрисида *(«Сизнинг имтиёзларингиз»)* | Norma Ekspert | 35-39-сон «СБХ» |

**ЎзР Ташқи савдо вазирлиги.*

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИК

# «Мақомга» эга авторақам: биржа орқали ёки ариза бўйича

**Вазирлар Маҳкамасининг қарори *(31.08.2017 йилдаги 683-сон)* билан автомототранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларга рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини бериш тартиби такомиллаштирилди.**

Ҳужжатга биноан авто учун «чиройли» рақамни 2 хил усулда олиш мумкин.

## Электрон аукцион савдоларида

Бундай савдоларни ўтказишни 683-сон ВМҚ билан тасдиқланган Жисмоний ва юридик шахсларга автотранспорт воситалари учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини оширилган тўлов ставкалари бўйича беришда «Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржаси» АЖ ахборот тизимида аукцион ўтказиш тартиби тўғрисида низом *(2-илова)* тартибга солади.

Электрон аукционлар ЎзРТХБ ахборот тизими воситасида ўтказилади. Аукционга тасдиқланган рўйхат бўйича рақам белгилари қўйилади. Талабгор сифатида савдоларда қатнашиш учун биржанинг сайтида рўйхатдан ўтиш керак.

Аукционда қатнашишдан олдин талабгор биржанинг ҳисоб-китоб клиринг палатасидаги ўз шахсий ҳисобварағига:

- бошланғич нархнинг 10%и миқдорида – закалат;
- биржа хизматлари учун – битим қийматининг 5%и миқдорида тўловни ўтказади.

Лот қўйилиши ҳафтанинг иш кунларида соат 10.00 дан 17.00 гача амалга оширилади. Савдолар босқичи ИИВ ЙҲХББ ва Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда биржа томонидан белгиланади. Талабгор аукцион пайтида чекланмаган миқдорда нарх оширилиши бўйича таклифлар бериши мумкин. Агар унинг таклиф қилган нархи энг юқори бўлмаса, у исталган пайтда буюртмани қайтариб олишга ҳақли.

Аукцион савдолар ғолиби тизим томонидан автоматик тарзда аниқланади. Ғолиб аниқланадиган кунда ахборот тизими унинг шахсий кабинетига 5 иш куни мобайнида етишмаётган суммани тўлаш тўғрисида талабнома юборади. Ғолиб ва ваколатли орган ўртасида битим рўйхатга олинади.

## ЙҲХДХга ариза бўйича

Давлат рақамларини беришнинг мазкур тартибини Жисмоний ва юридик шахсларга автотранспорт воситалари учун харидоргир ҳарф ва рақамлар комбинациясига эга бўлган рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини оширилган тўлов ставкалари бўйича бериш тартиби тўғрисида низом *(3-илова)* белгилайди.

Харидоргир ҳарф ва рақамлар комбинациясига эга авторақам олиш учун транспорт воситаси эгаси доимий прописка қилинган жойидаги ЙҲХДХ ҳудудий органига ариза бериши зарур. Унда ўзига ёққан ҳарф ва рақамлар комбинацияси кўрсатилади, у ҳудудий код ва рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиси типига мувофиқ бўлиши керак ҳамда рўйхатдаги комбинацияларга мос тушмаслиги лозим.

Текширишдан кейин сўралаётган рақам бронь қилинади ва 3 кун мобайнида аризачида сақланади. Бу муддатда аризачи ЭКИҲнинг 150 баравари миқдорида тўловни амалга ошириши ва квитанцияни ЙҲХДХ органига тақдим қилиши керак.

Рақам тўлов амалга оширилган пайтдан эътиборан бир ой ичида берилади. Бу вақт мобайнида аризачи автотранспортни вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш давлат рақами билан бошқариши мумкин.

***Таҳририятдан:** ВМнинг 683-сон қарори билан Автомототранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (1-илова) ҳам тасдиқланди. У қуйидагиларни тартибга солади:*

- *автомототранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш, вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш;*
- *бошқа шахсларга ўтказиш билан боғлиқ бўлмаган автомототранспорт воситалари билан келишувларни ҳисобга қўйиш;*
- *автомототранспорт воситаларини ҳисобдан чиқариш.*

Ҳужжатнинг олдинги таҳрири ўз кучини йўқотди.

**Олег Заманов,** «Norma Online» эксперти.

***1. Ташкилот автотранспорти ЙҲҚни бузганлиги учун тайинланган жарималарни корпоратив пластик картадан фойдаланган ҳолда тўлаш мумкинми?***

***2. Бундай жарима ҳайдовчининг иш ҳақидан ушлаб қолинадими?***

**А.Абдалимов,** бухгалтер.



# Хизмат автомобили ЙҲҚни бузганлиги учун жарима: иш берувчига зарарни қоплаш вариантлари

**1** **Ҳа, корхона корпоратив пластик карта воситасида жарима тўлаши мумкин,** сабаби ундан фойдаланган ҳолда Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида низомда *(ВМнинг 5.02.1999 йилдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 2.3.15.14-банди; АВ томонидан 18.04.2005 йилда 1470-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомнинг 6-банди)* назарда тутилган харажатларни тўлаш мумкин.

**2** **Иш берувчи айбдор ходимдан жарима суммасини ундириши ёки уни ундиришдан воз кечиши мумкин.**

Ходим иш берувчига бевосита етказилган ҳақиқий зарарни тўлаши шарт. Бевосита етказилган ҳақиқий зарар деганда иш берувчининг ортиқча тўловлар қилиш зарурати тушунилади *(МКнинг 198-моддаси)*.

Зарарнинг тўланиши Меҳнат кодексига мувофиқ расмийлаштирилиши керак. Бунда зарар суммаси ва у аниқланган кундан бошлаб ўтган вақт даври аҳамиятга эгадир.

Ўртача ойлик иш ҳақидан ортиқ бўлмаган миқдорда етказилган зарар суммаси айбдор ходимдан иш берувчининг **фармойишига мувофиқ** ундирилади. Фармойиш зарар етказилганлиги аниқланган кундан бошлаб 1 ой ичида чиқарилиши мумкин *(МКнинг 207-моддаси)*.

Иш берувчига зарар етказишда айбдор бўлган ходим уни **ихтиёрий равишда** қисман ёки тўлиқ тўлашга ҳақли. Ходим ва иш берувчининг келишувига биноан зарарни тўлаш муддати кечиктириб қопланишига йўл қўйилади. Бундай ҳолда ходим иш берувчига тўлов муддатларини аниқ кўрсатиб зарарни қоплаш ҳақида **ёзма мажбурият** (ариза) беради. Ушбу ариза асосида ушлаб қолиш тўғрисида буйруқ чиқарилади ва бухгалтерия ходимнинг иш ҳақидан зарар суммасини ушлаб қолади *(МКнинг 206-моддаси)*.

Агар ходим зарарни ихтиёрий равишда тўлашдан бўйин товласа ва тўлаш ҳақида ёзма мажбурият тақдим этмаган бўлса, у суд тартибида ундирилади *(МКнинг 207-моддаси)*.

Иш берувчи айбдор ходимдан зарарни ундиришдан қисман ёки тўлиқ воз кечишга ҳақли *(МКнинг 200-моддаси)*. Бундай ҳолда иш берувчи ушлаб қолиниши лозим бўлган тўловлар ҳисобига тўланган суммаларга ходимнинг моддий наф тарзидаги даромади сифатида қаралади. У ходимнинг жами даромадига киритилади ва унга умумбелгиланган тартибда ЖШДС солинади *(Солиқ кодексининг 172-моддаси)*. Бунда унга ЯИТ ва фуқароларнинг суғурта бадаллари солинмайди, сабаби у меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромад ҳисобланмайди.

**Бу муҳим!** Корхона автотранспорти бошқарувига берилаётган ходим билан унга ишониб топширилган транспортни бут сақлаш учун моддий жавобгарлик тўғрисида махсус ёзма шартнома тузиш лозим. Унда, шу жумладан йўл ҳаракати қоидаларини бузиш натижасида етказилган зарарни тўлаш тартибини назарда тутиш мақсадга мувофиқ. Бу ҳолда корхонага етказилган зарарни моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартномада қайд этилган тартибда тўлаш мумкин бўлади.

**Замира Жўраева,** «Norma Online» эксперти.

ХОРИЖ ТАЖРИБАСИДАН

# Жилет кийиш мажбурий бўлади

**Россия ҳукумати ҳайдовчиларни сутканинг қоронғи вақтида ва етарлича кўринмайдиган шароитда аҳоли пунктларидан ташқарида тўхтаганда нур қайтаргичли жилетлар кийишга мажбур қилмоқчи.**

Россия ИИВ РФ ҳукуматининг йўл ҳаракати қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қарори лойиҳасини тайёрлади, унга мувофиқ уларга янги банд киритиш таклиф этилмоқда. Янгилик сутканинг қоронғи вақтида аҳоли пунктларидан ташқарида транспортни мажбурий тўхтатганда ёки ЙТҲда ҳайдовчининг нур қайтаргичли тасмалари бўлган куртка ёки жилет кийиб олиш мажбуриятидан иборат. Етарлича кўринмайдиган шароитда ҳам худди шу талаб амал қилади.

Сутканинг қоронғи вақтида автомобиллардан тушган ҳайдовчиларни босиб олиш ҳоллари кўпайди. Айни вақтда нур қайтаргичли буюмларни кийиш мажбурияти белгиланмаган. 2017 йилнинг 6 ойи давомида 66 та ана шундай ЙТҲ рўй берган, бу ўтган йилги шундай кўрсаткичдан қарийб 5% кўпдир.

«Кўпгина Европа мамлакатларидаги ҳайдовчиларда албатта ҳимоя жилетининг бўлиши, улардан фойдаланишнинг ижобий тажрибаси ушбу амалиётни Россия Федерациясида жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлишини тасдиқлайди», – дея таъкидладилар ИИВда.

Интернет тармоғи материалларидан.

***ЎЗБЕКИСТОН.** Ўзбекистон ҳайдовчилари учун нур қайтаргичли жилетлар янгилик эмас. Йўл ҳаракати қоидаларига (ВМнинг 24.12.2015 йилдаги 370-сон қарорига 1-илованинг 11-банди «е» кичик банди) мувофиқ, ушбу атрибутнинг автомобиль салонида бўлиши мажбурий. Сутканинг қоронғи вақтида ва етарлича кўринмайдиган шароитда мажбурий тўхтаганда йўлнинг қатнов қисмига чиқишдан олдин ундан фойдаланмаслик ЙҲҚни бузиш ҳисобланади.*

Ўз ахборотимиз.

Эълонлар

**ХИЗМАТЛАР**

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов – исталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

Малакали адвокат. Тел.: (+998 97) 402-16-02.

*Хизматлар лицензияланган.*

НОРМА МАСЛАҲАТЧИ
N 41 (638) • 2017 йил 10 октябрь

# Дивидендларни валютада тўлаш

*МЧЖ (ЎзР резиденти) дивидендларни тақсимлаш тўғрисида қарор чиқарди.*
*МЧЖ дивидендларни чет эл валютасида ташкилотнинг валюта счётидан ўз муассисининг (жисмоний шахс – ЎзР резиденти) пластик карточкасига тўлаши мумкинми?*

**Н.Кашапова.**

– Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча ҳисоб-китоблар ва тўловлар миллий валютада амалга оширилади, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Хусусан, ҳисоб-китобларни чет эл валютасида амалга оширишга қуйидаги ҳолларда йўл қўйилади:

➢ кредитларни олиш ва қайтаришда;

➢ ваколатли банклардаги омонатларга пул маблағлари қўйишда, омонатлар бўйича фоизлар тўлашда;

➢ банкнинг чет эл валютасидаги операциялар бўйича воситачилик ҳақини ундиришда;

➢ чет эл валютасида ифодаланган банк кафолатларини бериш ва улар юзасидан тўловларни амалга оширишда;

➢ ваколатли банклар, уларнинг филиаллари ва айирбошлаш шохобчалари орқали чет эл валютасини сотиб олиш ва сотишда;

➢ юридик шахсларнинг устав фондига валюта бойликларини киритишда;

➢ хайрия мақсадларида амалга ошириладиган операцияларда;

➢ мерос ҳуқуқи бўйича валюта бойликларини олишда;

➢ божсиз савдо дўконларидаги ҳисоб-китоблар, шунингдек халқаро йўналишларда ташишда транспорт воситаларининг қатнов йўлларида йўловчиларга товарлар сотиш ва хизматлар кўрсатишдаги ҳисоб-китоблар билан боғлиқ операцияларда;



➢ норезидентлар билан товарларни бошқага ўтказиш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш, ахборотни, интеллектуал фаолият натижаларини, шу жумладан, уларга бўлган мутлақ ҳуқуқларни бошқага ўтказиш тўғрисида шартномалар тузиш ва уларни бажариш билан боғлиқ хизматлар комиссионерлар (агентлар) томонидан кўрсатилаётганда комиссионерлар (агентлар) ва комитентлар (принципаллар) ўртасида амалга ошириладиган операцияларда;

➢ ЎзРдан олиб чиқилаётган ёки унга олиб кирилаётган юкнинг транзити, уни ташиш билан боғлиқ хизматлар экспедитор, ташувчи ва фрахтчи томонидан кўрсатилаётганда транспорт экспедицияси, ташиш ҳамда чартер (фрахтлаш) шартномалари бўйича операцияларда;

➢ қимматли қоғозларни сотиб олиш ва сотишда;

➢ резидентлар томонидан резидентлар ҳамда норезидентлардан пластик тўлов ва кредит карточкалари бўйича тўловларни қабул қилишда;

➢ суғурта ва қайта суғурта шартномалари бўйича ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширишда;

➢ қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолларда (*«Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуннинг 18-моддаси*).

Ушбу рўйхатдан кўринганидек, **юридик шахснинг ўз муассиси – ЎзР резидентига дивидендларни чет эл валютасида ўтказиш имконияти назарда тутилмаган**.

**Сабоҳат Султонова,**
«Norma Online» эксперти.

# Устав капиталини шакллантириш қоидалари

*Микрофирма (МЧЖ) шу йил январда очилган, божхонада декларациялаш хизматларини кўрсатади. Таъсис ҳужжатларига кўра устав фонди 579 730 000 сўмни ташкил этади. Устав фондида муассислар улуши: 1) юридик шахс – 179,73 млн сўм; 2) жисмоний шахс – 200 млн сўм; 3) жисмоний шахс – 200 млн сўм.*
*Айни пайтда УФ 10 000 000 сўмга шаклланган. Фирма тўлов деталларида «Шартнома бўйича ташкилий техника учун» деб кўрсатиб, иккита муассис – жисмоний шахсларга 2 марта: 15 ва 10 млн сўмни пластик картага (корпоратив эмас) ўтказди. Улар якка тартибдаги тадбиркорлар эмас.*
*1. Бундай шартнома тузиш ва муассисларнинг пластик картасига пул ўтказиш тўғрими?*
*2. Устав фонди қандай шакллантирилади?*

**З.Юсупова.**

**1** МЧЖ юридик шахс сифатида ўз хўжалик фаолиятини амалга ошириш чоғида юридик ва жисмоний шахслар билан шартномалар тузишга ҳақли. Шу сабабли муассислар – жисмоний шахсларга қуйидаги шартларда ташкилий техника учун пул маблағларини ўтказиши мумкин:

а) ташкилий техника жисмоний шахснинг шахсий мулки бўлиши ва уни сотишдан мақсад фойда олиш бўлмаслиги ва доимий тусга эга бўлмаслиги керак.

Даромад олиш мақсадида товарлар олди-сотдиси билан шуғулланиш тадбиркорлик фаолияти таърифига тўғри келади, якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган жисмоний шахслар бундай фаолият билан шуғулланишлари мумкин (*«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 3, 4-моддалари*).

Тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтмасдан амалга оширганлик учун ушбу шахслар олинган даромад миқдорига қараб маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин (*МЖТКнинг 176-моддаси; ЖКнинг 188-моддаси*). Бунда шахснинг у ёки бу фаолиятини тадбиркорлик деб топиш учун 2 та ҳолат мавжуд бўлиши – **даромад топишга қаратилган ҳаракатлар системали равишда содир этилиши ва бундай фаолият асосий**, яъни касб **фаолияти сифатида амалга оширилиши** шарт. Шундан келиб чиқиб, **бир марталик фуқаролик-ҳуқуқий мазмундаги битимлар** (масалан, шахсий буюмларни сотиш) тузадиган шахсларни, ҳаттоки бундай битимлар бир неча марта амалга оширилган тақдирда ҳам, тадбиркорлар деб топиш ва бундай сифатда давлат рўйхатидан ўтишни талаб қилиш мумкин эмас (*Олий суд Пленумининг 11.12.2013 йилдаги 20-сон қарори 3-банди);*



б) муассис-жисмоний шахслар билан улардан ташкилий техника сотиб олиш бўйича битимларнинг маъқулланиши тўғрисида муассислар умумий йиғилишининг қарори расмийлаштирилган бўлиши керак. Тузилишидан жамият иштирокчилари умумий овозлари сонининг 20 ва ундан ортиқ фоизига эга бўлган жамият иштирокчисининг манфаатдорлиги бўлган битимлар умумий йиғилишнинг лозим даражада расмийлаштирилган манфаатдорлик бўлган битими тузиш тўғрисидаги қарорисиз жамият томонидан тузилиши мумкин эмас (*«Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуннинг 43-моддаси*).

Шу тариқа, **жисмоний шахснинг товарларни бир маротаба бозордаги ўртача нархдан қимматроқ бўлмаган нархда сотиши «тадбиркорлик фаолияти» тушунчасига тўғри келмайди ва муассислар умумий йиғилишининг розилиги билан фойдаланилган техниканинг олди-сотди шартномаси сифатида расмийлаштирилиши мумкин**.

**2** **Пул, қимматли қоғозлар, ўзга ашёлар ёки мулкий ҳуқуқлар ёхуд пул баҳосига эга бўлган бошқа шахсга ўтказиладиган ўзга ҳуқуқлар жамиятнинг устав фондига қўшиладиган ҳиссалар бўлиши мумкин.** Устав фондига қўшиладиган пулсиз ҳиссаларнинг пул баҳоси жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг улар томонидан бир овоздан қабул қилинадиган қарори билан тасдиқланади. **Жамиятнинг ҳар бир иштирокчиси** таъсис ҳужжатларида белгиланган ва **у давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб 1 йилдан** ошмайдиган муддат **мобайнида устав фондига ўз ҳиссасини тўлиқ киритиши керак** (*МЧЖ тўғрисидаги Қонуннинг 14, 15-моддалари*).

Жамият бутун устав фонди тўлиқ тўлангунга қадар ўз фойдасини иштирокчилар ўртасида тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмас (*МЧЖ тўғрисидаги Қонуннинг 26-моддаси*). Устав фондини шакллантириш якунлангунига қадар жамият иштирокчиларига дивидендлар тўлаш сифатида уларнинг пластик картасига пул маблағларининг ўтказилиши ҳуқуққа зид.

**Лайло Ашурова,**
«Norma Online» эксперти.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета
НОРМА МАСЛАҲАТЧИ ҲУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ ©
ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.
Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович ҚУРБОНБОЕВ

Нашр учун масъул – бош муҳаррир ўринбосари, масъул котиб
Нодир Носирович АЛИМОВ

Адабий муҳаррир
Зулфия Саидмуратовна РАҲИМБЕКОВА

Саҳифаловчи
Наталья БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1,
Таҳририят тел. 200-00-90
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz, gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

*Обуна, газеталар, китоблар, газеталарнинг электрон версияларини етказиб бериш ва харид қилиш масалалари бўйича 200-00-30;*
«Norma» АКТ бўйича – 200-00-90;
Рекламани жойлаштириш бўйича 283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига мурожаат қилиш мумкин.

Газета ношир – «TOPRINT» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Нашр кўрсаткичи – 186. Қоғоз бичими – А3. Ҳажми – 2 босма табоқ. Баҳоси келишилган нархда.
Буюртма 1179. Адади 1 070. Газета 2017 йил 9 октябрь соат 18.30 да топширилди.

Газета «TOPRINT» МЧЖ босмахонасида (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1) босилди.
ISSN 2010-5223